

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Ўзбекистон Миллий Университети  
Тошкент темир йўл мухандислари институти  
Тошкент автомобиль йўллари институти  
Ўзбекистон давлат консерваторияси

## ФАЛСАФА ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ

мавзусидаги V Республика  
илмий-амалий конференцияси



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Ўзбекистон миллий университети  
Тошкент темир йўл мухандислари институти  
Тошкент автомобиль йўллари институти  
Ўзбекистон давлат консерваторяси



**ФАЛСАФА ВА ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ**  
мавзусидаги V Республика илмий-амалий конференцияси  
1-2 июн 2016 йил

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланади.*

**ФИЛОСОФИЯ И СОЦИАЛЬНЫЙ ПРОГРЕСС**  
V Республиканская научно-практическая конференция  
1-2 июнь 2016 год

*Посвящается 25 летию Независимости Республики Узбекистан*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 январдаги № 33-ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2016 йил 23 январь 27 сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси Ижтимоий фанлар факультети, “Фалсафа” кафедрасининг Ф-1-04 “Инсон фалсафасининг табиий ва ижтимоий даражаларини тадқиқ этиш”,

ТАЙИ “Ижтимоий фанлар” кафедрасининг А-1-114 “Магистратура мутахассисликлари учун таълим фалсафаси бўйича дарслик ва электрон дарслик яратиш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида ўтказилди.

Глобаллашув даврида шаклланаётган жамиятни аксарият ҳолларда ахборот ва постиндустриал деб номлашади. Бу маънода ахборот фаолияти инсонни дунё, нарсалар, бошқа инсонлар билан ўзаро ҳаракатнинг муайян услуби сифатида намоён бўлади, хаттоки бу услубларнинг комбинациясидир, у инсон қобилияти, билимлари, маҳоратида қайд этилгандир. Ахборот жамиятидаги инсон мақоми тўпланган моддий бойликларнинг сони миқёси билан эмас, балки замонавий юқори технологиялар билан боғлиқ бўлган маданият, таълим ҳамда фаолият юритишга бўлган қобилият даражаси билан боғлиқдир. Шунинг учун “агарда, давлат ва миллатларнинг ривожига дастлаб табиий ресурс ва молия асосий ролни ўйнаган бўлса, ҳозирги пайтда биринчи ўринга инсон ресурслари (“инсон капитали”) ривожланиш шартлари биринчи ўринда”. Тарихий саҳнанинг олд ўрнига таълимнинг, тарбия ва маҳоратнинг барча йўналишларида юқори даражасини ҳамда билимларни ва ностандарт ечимларни излашга бўлган тайёргарликни таъминлашга қобилиятли бўлган мамлакат ва халқлар чиқмоқда”.

Ахборот ва билимларга асосланган жамиятнинг шаклланиши олий мактаб олдида ҳам янги вазифаларни қўймоқда. Янги глобал тенденциялар ўз ортидан ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларни олиб келади, деган бутун жаҳон банки экспертларини фикрига қўшилиш лозим. Умуман олганда, салбий оқибатлар ижтимоий тенгсизликнинг янги шакллари пайдо бўлиши, шахснинг ижтимоийлашув ва индивидуаллашувининг зиддиятли тенденциялари, ҳамда инсон маънавий дунёсини инкирози билан боғлиқдир.

Глобаллашув жараёнларига киритилган замонавий инсон аксарият ҳолларда таълимни нафақат бугунги ёки келгуси касби билан, балки шахсни ривож, маълум ижтимоий, маданий анъаналарида ўзини намоён қилиши ва янги ижтимоий кўникмаларни шаклланиши билан боғлиқ бўлган турли соҳаларда билим, кўникма ва маҳоратини кенгайтириш учун инсон ёши ва меҳнат бозоридаги ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошириладиган узлуксиз мақсадга йўналтирилган фаолият сифатида идрок этилади. Шундай қилиб таълимни фақатгина соф касбий ва “иш” вазифаларини ҳал қилиш учун олдиндан зарурлиги маълум бўлган билим ва кўникмаларни ўзлаштириш деб тушунган тор функционалистик ёндашув Ўзбекистонликларнинг ёш авлодида оммалашмаган. Аксарият ёш авлодлар нуқтаи назаридан гуманитар тайёрлов, маълумотнинг ажралмас белгиси ва шу билан бирга, карьерасини соф амалий режалаштиришдан то маънавий эҳтиёжларни қондиришга бўлган шахсни ўзини-ўзи намоён қилишнинг энг мослашган ва шунинг учун самарали стратегияларни ишлаб чиқишга қалитдир.

*Н.Я.Алимухамедова ТИМИ катта ўқитувчиси*

### **Ижтимоий фаоллик – фуқаролик жамиятини шакллантириш омили**

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар жамият ҳаётининг барча соҳаларини – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-ахлоқий тармоқларни – қамраб олган. Бугун Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилмоқда, бу эса яқин ўтмишда бўлганидан фарқли ўлароқ, давлат, жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ўзаро алоқаларни сифат жиҳатдан тамоман янгича тушунишни

такозо этади. «Хукукий давлат» тушунчаси қонун устуворлигини ижтимоий муносабатларнинг асосий мезони ва принципи сифатида белгилайди. Қонунларнинг ўзи эса шахс ҳуқуқларининг устуворлигига асосланади. Шу маънода, толерантлик ва ижтимоий фаоллик ўзаро чамбарчас боғлиқдир. «Толерантлик принципи азалдан ҳақиқатларнинг турли-туманлиги, мураккаблиги ва зиддиятлилигидан келиб чиқади»<sup>1</sup>.

Ислохотлар жараёнида ютуқлар билан бирга, турли муаммолар ҳам йиғилиб қолади. Шундай муаммолардан бири жамиятимиздаги айрим шахслар, ижтимоий қатламларнинг янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузилмаларга қўшилиш жараёнида муайян кийинчиликларга дуч келаётганида намоён бўлмоқда. Бу кийинчиликлар нафақат жамият ҳар бир аъзоси ижтимоий-иқтисодий мавқеининг ўзгарганлиги билан, балки инсонларнинг онгни ўзгартиришдек объектив заруратдан ҳам келиб чиқмоқда. Бундай ўзгариш ўзида чуқур ахлоқий кадриятларни танлаш, жамиятдаги мавжуд ҳаётий меъёрларга янгича қарашнинг шаклланишини қамраб олади. Манфаатлари тоталитар ўтмишда шаклланган одамлар ўртасида ҳамжиҳатликни излаш хозирги сиёсий, ижтимоий ҳаётнинг асосий хусусиятини ташкил этади. Манфаатлардаги ўзаро тафовутлар турмуш тарзи, кадриятлар, нуктаи назар, эътиқод, маданият, тарбия, анъаналар ўртасидаги фарқлар билан белгиланади. Юқориди таъкидланган ижтимоий фаоллик ва толерантлик ўртасидаги ўзаро алоқадорлик демократик жамиятда ўзини ўзи англашнинг асосий қалитидир. Ижтимоий фаоллик ва толерантлик маданияти шахс умумий маданиятининг ажралмас қисмидир.

Фуқаролик жамияти ғояси олий мақсад сифатида бир неча асрлардан бери яшаб келмоқда. Фуқаролик жамияти шундай жамиятки, унда аҳолининг бирон-бир гуруҳи бошқа бир гуруҳни ўзига бўйсундира олмайди, шунингдек, эркаклар билан аёлларни бир-бири билан боғлаб турувчи қўнлаб ижтимоий, фуқаровий, диний, иқтисодий, маданий алоқа ва муносабатлар янада ривожланади. Бу ғоя 80-йилларда авж олган демократиялаштириш жараёни натижасида алоҳида мазмун касб эта бошлади ва у тоталитар давлатларга қарама-қарши бўлган ижтимоий андоза сифатида талқин қилина бошланди.

Фуқаролик жамияти шахс учун кенг имкониятлар яратиб, унда ҳар бир шахс бошқалар билан бирлашиши ёки бошқалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсата олиши мумкин. Фуқаролик жамияти шу тарзда инсон улғуворлигини юксакликка қўтаради. Фуқаролик жамиятида «ижтимоий фаоллик» инсоннинг ижтимоий муносабатларни онгли тарзда ва холисона таҳлил қилиши ҳамда унинг айрим элементларини ўзгартиришга интилишига асосланган ижтимоий фаолиятга қизиқишининг намоён бўлиш даражасини билдиради. Инсон ижтимоий аҳамиятга эга бўлган жиддий муаммони кўриб, ҳал этиш учун янги қонун қабул қилиш ёки мавжуд қонунларнинг амал қилиш механизмларини такомиллаштириш лозимлигини англаган пайтдагина ижтимоий фаолликка эҳтиёж сезади. Унинг ғоявий-ахлоқий қарашлари бу ҳаракатга даъват этади. Ижтимоий фаоллик инсон эркинлиги феномени билан чамбарчас боғлиқдир.

<sup>1</sup> Козырьков В. П. Интолерантно о толерантности // Молодёжь XXI века: толерантность как способ мировосприятия. – Нижний Новгород, 2001. – С. 230.

Эркинлик эса инсоннинг уни иқтисодий-сиёсий ва бошқа жиҳатдан чегаралаб турадиган ҳар қандай ҳолатга нисбатан батамом мустақиллигини билдиради. Аммо бундай эркинлик инсонга амалий мақсадларга йўналтирилган фаолияти учун ўз-ўзидан имконият яратиб беришни назарда тутмайди. Амалий дастур, мақсад ва вазифаларнинг йўқлиги, ўз маънавий-ахлоқий бурчини менсимаслик жамиятчи ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Фуқаролик жамияти инсонлардаги ўз-ўзини англаш, уларнинг объектив равишдаги масъулият ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради. Бу жамиятда шаклланган мамлакатлар фуқаролари сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятлари даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги жамиятнинг бошқа қатламлари ижтимоий фаоллигидан бир қатор хусусиятлари билан фарқланади. Бу энг аввало ёшларнинг жамиятда тутган мавқеининг тўлиқ шаклланмаганлиги билан боғлиқ. Ёшлар ижтимоий тузилмаларга кириш, яъни ижтимоийлашув жараёнини бошдан кечирадилар. Ижтимоий фаолиятнинг ҳар бир соҳасида ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ўзига хос хусусиятга эга. Шундан келиб чиқиб, уни бир неча йўналишларда: иқтисодий, таълим, ижтимоий ҳимоя, маънавий-ахлоқий ҳаёт соҳаларида ўрганиш лозим. Ёшлар ижтимоий фаоллик мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва жамиятда ўз ўрнини топиш, шунингдек обрўга эга бўлишда, инсонга сеvimли иши билан шуғулланишида ёрдам беради, деб ҳисоблайдилар. Айни вақтда агар шахс унинг позицияси кўпчиликни қониқтирмаса, ўзи учун қийинчилик ва муаммолар туғилиши мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Шу билан бирга, ёшлар ҳамма вақт ҳам ижтимоий фаолликни намоён этавермайдилар. Улар ижтимоий фаол бўлишни хоҳласалар ҳам, бўш вақт ва ихтисослик бўйича етарли билимга эга эмасликлари бу истакларини амалга ошириш имкониятини чеклаб қўймоқда. Умуман олганда, ёшларнинг ижтимоий фаоллик ва бағрикенглиги ҳуқуқий маданиятни ўзлаштириш орқали ҳаётга, ўзи дуч келаётган муаммоларни ечишга, ижтимоий-ҳуқуқий институтлар фаолиятига фаол муносабатда бўлишни тақозо этади. Ҳеч ким, шу жумладан ижтимоий-ҳуқуқий институтлар ҳам, шахсга уни қизиқтираётган ҳуқуқий муаммоларга оид ахборотларни, манбаларни тайёр ҳолда тақдим этмайди. Шахс зарур ҳуқуқий ёрдамни ўз ихтиёри билан олади ва уни тадбиқ этиш соҳасини ўзи белгилайди. Ушбу ихтиёрийликда толерантлик маданиятининг даражаси акс этади. Аммо бу ихтиёрийлик мутлақ шахс ихтиёридаги хатти-ҳаракат эмас, яъни у қонунлар доирасидаги ихтиёрийликдир. Демак, толерантлик нафақат ахлоқий, шу билан бирга ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётга фаол муносабатда бўлишни ва ҳуқуқ имкониятларидан қонунлар доирасида фойдалана бўлишни талаб қилади. Бунинг учун, шубҳасиз, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий эътиқод – ҳуқуқий маданият зарурдир. Ушбу бир-бирига диалектик боғлиқ жараёнлар ёшларнинг ижтимоий фаоллиги шакллантиришни позитив, тараққиётнинг қатъий талабларига тўғри келадиган ижтимоий-маданий ҳодисага айлантиради.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш ҳозирги вақтда жуда долзарб бўлиб, уларни таъминлашнинг муҳим воситаларидан бирини ёшларда

165) Г.М.Абдуллаева, ТМИ Глобаллашув ва ёшлар тафаккурида кадриятларнинг ўрни.....	445
166) Н.Я.Алимухамедова, ТИМИ катта ўқитувчиси Глобаллашув жараёнларида таълим-тарбиянинг аҳамияти.....	447
167) Н.Я.Алимухамедова, ТИМИ катта ўқитувчиси Ижтимоий фаоллик – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий омилли.....	449
168) Ф.А.Акрамова, Республика “Оила” илмий-амалий маркази доцент Глобаллашув жараёнлари ва ёшлар маънавияти масалалари.....	452
169) Ҳ.О.Абуев, НавДПИ катта ўқитувчиси Глобаллашувнинг жамият маънавий тараққиётдаги ўрни.....	453
170) Л.К.Аҳадов, ЎзДЖТИ ўқитувчиси Бугунги глобаллашув давада “сохта диний дунёкаш манзараси” ёхуд илмсизлик макони.....	455
171) Л.К.Аҳадов, ЎзДЖТИ ўқитувчиси Глобаллашув жараёнида ёшларга соф диний кадриятларимизни сингдириш бурчимиздир.....	457
172) А.А.Бозаров, ТДТУ Неолиберализм мафкураси, глобал бошқарув ва демократия.....	460
173) И.А.Джабборова, ТДТУ катта ўқитувчиси Глобаллашув даврда маънавий таҳдидларнинг намоён бўлиш шакллари ҳамда хусусиятлари.....	463
174) А.М.Жўраев, ЎзДЖТИ ўқитувчиси Глобаллашув жараёнида миллий менталитетни шакллантиришда ахлоқий тамойиллар ва меъёрларнинг аҳамияти.....	466
175) А.Зулфиқоров, ГулДУ талабаси Талаба-ёшларнинг ахборот-психологик иммунитетини шакллантириш.....	469
176) К.Ибрагимов, ТФИ Права и свобода человека как основные элементы социальной жизни гражданского общества.....	471
177) Г.Исанова, ЎзМУ катта ўқитувчиси Фуқаролик жамияти: моҳияти ва вазми.....	474
178) М. Исмоилов, НамМПИ ф.ф.д. проф., Н. Шайдуллаев, НамМПИ ф.ф.н. доц. Экологик тарбиянинг ижтимоий фалсафий жиҳатлари.....	477
179) Ш.Кучибоев, ЎзМУ магистранти Ахборот хавфсизлигининг жамият тараққиётига таъсири.....	479
180) Б.М.Мардонов, ОХБИ ўқитувчиси Глобаллашув шароитида ёшларда ахборот маданиятини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари.....	485
181) А.М.Маъмуров, ЎзМУ магистранти Жамоатчилик фикри ва ахборот хавфсизлиги.....	488
182) Ж.Д.Матқаримова, соц.ф.н., доцент ТТЙМИ Фуқаролик жамиятида ёшларнинг ўз-ўзини англаш муаммоси.....	491
183) Д.Мирзаахмедова, ОХБИ катта ўқитувчиси Ёшларимизни миллий-маънавий кадриятларга содиқлик руҳида камол топтириш.....	495
184) J.A.Mirzavaliyev, OzMu magistranti Globallashuv jarayonlarida milliy manfaatlar va davlatlararo xalqaro munosabatlar.....	597
185) Н.Ж.Назарова, катта ўқитувчи, И.Н.Ахмедов, ТТЙМИ магистрант Глобаллашув ва ахборотлашган жамият.....	501
186) О.А.Науменко, доцент Р.Р.Бекбаев, НУУз Философско-правовые взгляды Абу Насра Аль-Фараби и их связь с развитием гражданского общества.....	504
187) Т.Норбоев, ТМИ ф.ф.н., доц Шарқ ва Ғарб ижтимоий-фалсафий қарашларида жамиятнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фикрларнинг ўрганилиш зарурияти.....	507
188) Д.Т.Норкулов, ТТА профессори Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий онги ривожланиш омиллари.....	509
189) С.Отамуратов, ТошКТИ профессори Глобаллашув ва миллий тараққиёт истиқболлари.....	511

ижтимоий-шахсий фаолликни шакллантириш ва ривожлантириш ташкил этади. Бу эса Ўзбекистондаги ёшлар сиёсатида ўзининг изчил ифодасини топмоқда. Булар эса биргаликда баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим ижтимоий-фалсафий таркибий қисмлари ҳисобланади.

*Ф.А.Акрамова, Республика "Оила" илмий-амалий маркази,*

### **Глобаллашув жараёнлари ва ёшлар маънавияти масалалари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида учинчи боб "Маънавиятга таҳдид – ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид" деб аталган. Бу бобда "Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир". Глобаллашув кишилик жамиятидаги маҳаллий аҳамиятга молик маданий, ахборот, иқтисодий, геосиёсий маконларнинг бир тизимга бирлашуви жараёнидир. У инсон ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида тигиз алоқаларни, ўзаро таъсирни, ўзаро боғлиқликни вужудга келтириб, ер юзида мутлақо янги вазиятни яратди

Глобаллашув жараёнининг бекиёс таъсири интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайишида, турли ахборот, ютуқларнинг тез тарқалишида намоён бўлмоқда, шу билан бирга у мафкуравий таъсирнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб бормоқда. Инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Ҳатто бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий таъйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, одини олиш мумкин, аммо мафкуравий таъйиқнинг таъсири, оқибатларини тезда илғаб олиш ниҳоятда қийин. Президент И.А.Каримовнинг "Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш" китобида: "Ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамият касб этади" эканлиги асослаб берилган. Мамлакатимизда ёшларнинг маънавий киёфасини мустақиллик мафкураси, унинг инсоний тамойиллари асосида шакллантиришга бош вазифа сифатида қаралаётгани бежис эмас. Ёшлар жамиятда содир бўладиган ҳар қандай воқеликларга ўзгача, руҳий ҳис-кечинмалар доирасида муносабат билдирадилар, қийинчиликлар вужудга келганда эса эҳтиросларга бериладилар. Шунинг учун бизнинг олдимизда турган муҳим масала – ёшларни тўғри йўлга бошлашдир.

"Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу максадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида қандай ўрин эгаллаши ҳам-буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, ўниб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир", - дейди юртбошимиз. Ёшларга қаратилган ахборотни етказиш ўзига хос психологик жараён эканлиги ва бу